

Замонавий шароитларда иқтисодчи кадрлар тайёрлаш масалалари

Вопросы подготовки кадров экономистов в современных условиях

Issues of training of economist personnel in modern conditions

Аслиддин АБДУЛЛОЕВ,
PhD
Нигина ОДИНАЕВА,
ўқитувчи
Ибрагим ЛАТИПОВ
магистр
Бухоро давлат университети

Аннотация

Мақолада “билимларга асосланган иқтисодиёт”га ўтиш шароитида иқтисодчи кадрлар тайёрлаш масалалари тадқиқ этилган. Миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ҳамда соҳада чуқур ислохотларни амалга оширишда иқтисодчи кадрлар тайёрлашнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Олий таълимда иқтисодчи кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш йўналишлари келтирилган.

В статье рассматриваются вопросы подготовки кадров экономистов в условиях перехода к “экономике, основанной на знаниях”. Подчеркивается важность и особенности подготовки кадров экономистов для устойчивого развития национальной экономики и осуществления глубоких реформ в этой области. В сфере высшего образования даны направления совершенствования подготовки кадров экономистов.

The article examines the issues of training economist personnel in the conditions of transition to “knowledge-based economy”. The importance and specific features of the training of economist personnel in the sustainable development of the national economy and the implementation of deep reforms in the field are highlighted. In higher education, the directions of improving the training of economist personnel are given.

Бозор муносабатларининг тобора чуқурлашуви, глобаллашув ҳамда интеграция жараёнларининг жадаллашуви мамлакат миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишни ҳамда барқарор ўсиш суръатларини таъминлашни объектив заруратга айлантирди.

Бугунги замонавий шароитларда иқтисодий ривожланишни таъминлашда иқтисодчи кадрлар муҳим ўрин эгаллайди. Рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш ҳар томонлама замонавий фи-

крайдиган, кенг дунёқарашга эга иқтисодчи кадрларга боғлиқдир.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш зарурати ҳар доимгидан ҳам кучайиб бормоқда. Бу ҳолатни эса қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- биринчидан, мутахассис фан-техника, ишлаб чиқариш соҳаси бўйича кенг кўламли пухта тизимли билимга эга бўлиши,

Калит сўзлар: инновацион иқтисодиёт, иқтисодий ривожланиш, олий таълим, кадрлар, иқтисодчи кадрлар, капитал, инсон капитали.

- иккинчидан, иш ўрни, шароити, техника ва технология ўзгаришига тез мослашувчан бўлиши лозим. Бундан ташқари хомашё материалларидан, энергия, вақт ва шу кабилардан имкон қадар унумли ҳамда ижодий фойдаланиши зарур. Бир сўз билан айтганда, мутахассис юқори даражада иқтисодий билимга эга бўлиши зарур.

Шунинг учун, олий таълим тизимда иқтисодчи кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз олий таълим тизимини шаклан ва мазмунан ислоҳ қилиш, унинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия мазмуни, шакл ва усуллари самарадорлигини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кундаги иқтисодчилар учун зарур бўлган энг муҳим сифатлардан бири бу рақобатбардошлиликдир. Рақобатбардошлилик – шахснинг профессионал ва ижтимоий муваффақиятининг асосий шартидир. Шахснинг рақобатбардошлилиги профессионал фаолиятида фақатгина унинг чуқур билими ва илмига эмас, балки унинг биринчи ўринда мақсадлари ва танлаган профессионал мутахассислигига бўлган муносабатига ҳам боғлиқдир. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий ресурслар чекланганлиги шароитида самарали хўжалик юрита оладиган, энг муқобил вариантларни тўғри танлай оладиган малакали мутахассислар тайёрлашнинг нақадар долзарб эканлигини кўрсатади.

Таълимга эҳтиёж муайян касбни ўзлаштириш, маълум лавозимни эгаллаш, маълум даражада маълумот олиш, қўшимча малакани ўзлаштириш, жамиятда муайян ўринни эгаллаш, мансаб пиллапо-яларидан кўтарилиш истаги билан белгиланади. Таълим инсон капиталини такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёни сифатида қаралиши мумкин. “Инсон капитали” тушунчаси фанга А. Смит томонидан киритилган. Бунда у “жамият аъзоларининг даромад олиш ҳуқуқини берувчи тўплаган билимлари ва кўникмалари”ни тушунган.

Таълимнинг ички самарадорлиги: ўқиш даврида жорий эҳтиёжларнинг қондирилиши; маънавий ва маданий савиянинг ошиши; ақлий қобилиятларнинг ривожланишида; инсонга техника ва иқтисодиётдаги ўзгаришларга тезроқ мослашишга қўмаклашувчи қобилиятларда; таълим муассасаларида илмий билимлар ҳажмининг ўсишида; одамларни профессионал ажратиш ва ижтимоий мақомига кўра саралашда намоён бўлади.

Замонавий иқтисодчи фаолиятини ҳаракатга келтирувчи асосий куч – фойда ёки тадбиркорлик даромадини олишдир. Шу мақсадга эришиш учун иқтисодчи-тадбиркор ўз қўл остидаги ишлаб чиқариш воситаларидан, ёлланган ишчи кучларидан умумий фойдаланиб, ўз фаолиятини бозор талабларига мослаштиради, зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, харид қилишга, сотишга, рақобатлашувда фаол қатнашишга ҳаракат қилади. Фикримизча, кўп ҳолларда иқтисодий фанлардан хабардор, уларни маълум даражада кенг ўрганаётган мутахассислар ҳам ҳар тарафларга эътибор бермай турли хавф-хатарлар, йўқотишларга йўл қўядилар. Умуман олганда, иқтисодий фанлардан тўғри фойдаланмай, иқтисодий қонунларни бузганимизда турли хил йўқотишларга дуч келамиз. Фикримизнинг далили сифатида минглаб олим ва мутахассисларнинг изланишлари асосида бошқарилган маъмурий буйруқбозлик тизими муваффақиятсизликка учраганини кўрсатиш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган олий маълумотли иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашга ихтисослаштирилган узлуксиз иқтисодий таълим тизимини шакллантиришга тобора муҳим аҳамият берилмоқда. Глобаллашув шароитида макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтириш кўп жиҳатдан аҳоли бандлигини ошириш масаласини ҳал этиш ишчи кучи рақобатбардошлигини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу ўринда таълим тизими кўрсаткичларининг сифат даражасини ошириш республикада амалга оширилиши зарур бўлган муаммолардан биридир. Бозор иқтисодиёти шароитида ушбу тизимни ривожлантириш орқали ишчи кучи сифати ва иш билан бандликни оширишга катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқариш бўйича бир қатор муаммоларнинг илмий ечимини топишда мақсадли тадқиқотлар ташкил этилган. Жумладан, асосий иқтисодчи кадрлар буюртмачилари билан ўзаро ҳамкорликда иқтисодий илмий тадқиқотлардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Иш жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий иқтисодий хизматларни ривожлантириш, нуфузли хорижий таълим муассасаларида иқтисодчилар малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хорижда яшаётган ва профессионал фао-

лият юритаётган ватандошларимиз, айниқса, катта илмий салоҳиятга эга олимлар, мутахассислар ва истеъодли ёшлар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Янги Ўзбекистонни ҳар томонлама жадал ривожланиши учун зарур, жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош ва юқори малакали мутахассисларни етакчи хорижий олий таълим муассасалар ва Ўзбекистонда тайёрлаш, уларни малакасини ошириш орқали кадрлар билан таъминлашда аниқ мақсадлар белгилангани муҳим аҳамият касб этади [1].

Янги Ўзбекистоннинг иқтисодийёт соҳалари ва тармоқларини рақобатбардош кадрлар билан таъминлаш масалаларини тубдан ўзгартириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, республикамиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни ўз вақтида зарур ихтисосликлар бўйича иқтисодийёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, олий таълим мазмунини корхоналарнинг ишлаб чиқариш муносабатларига ва истиқболли ривожланиш дастурларига мувофиқ шакллантириш, битирувчиларни мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумот-

ли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодийёт соҳалари ҳамда тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори [2] қабул қилинган. Бу қарор соҳа ривожига муҳим дастурий омил бўлиб хизмат қилади, кадрлар тайёрлашда самарали механизм сифатида фойдаланилган.

Хулоса ўрнида айтганда, иқтисодийёт тармоқларида самарали меҳнат қиладиган, маълум соҳа ривожига ўз ҳиссасини қўшадиган кадрларни тайёрлаш кутилган натижаларга эришиш имконини беради. Бугунги замонавий шароитларда иқтисодчи кадрлар тайёрлашни янги босқичга олиб чиқиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир: аҳоли, бозор ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишлари ва ҳудудлар кесимида иқтисодчи кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ҳамда бошқарувининг ташкилий-иқтисодий шакллари ишлаб чиқиш; масофавий таълим технологиялари асосида ходимлар малакасини ошириш тизимини янада самарали ташкил этиш ва юқори рақобатбардошликка эришишни таъминловчи усуллар, қоидалар ва тамойиллар мажмуини ўзида мужассам этган стратегиялар ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5545-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодийёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

Исамухамедов Б.Б. Малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлашнинг назарий асослари. // ТДИУ, Иқтисодийёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. 5-сон. 2015 йил.